

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Избосаров Б.Б.

*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солишнинг айрим назарий жиҳатлари ўрганилган, шунингдек, тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари таҳлил қилинган ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар.** Тижорат банки, банк ликвидлилиги, банк мажбурияти, ликвидли активлар, муддатсиз депозитлар, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлар.

В статье изучены некоторые теоретические аспекты по упорядочению ликвидности коммерческих банков в условиях цифровой экономики, так же проанализированы активы и обязательства коммерческих банков и разработаны рекомендации.

**Ключевые слова.** Коммерческие банки, ликвидность банков, обязательства банков, ликвидные активы, несрочные депозиты, срочные депозиты, сберегательные депозиты.

### **КИРИШ**

Кейинги йигирма беш йил ичида жаҳоннинг кўпчилиги мамлакатларига рақамли иқтисодиётнинг шиддат билан кириб келаётганлиги ҳамда йилдан йилга кенгайиши нафақат бизнесни юритиш ва уни бошқариш жараёнига, балки тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солишга ҳам бевосита таъсир кўрсатадиган зарурий иқтисодий категорияга айланди. Чунки, тижорат банклари рақамли иқтисодиётда фаолиятини ташкил этаётган ўзаро манфаатдор субъектлар, яъни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ўз хизматларини таклиф этади ҳамда, ўз навбатида, асосан уларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳисобидан актив операцияларни амалга оширади.

Рақамли иқтисодиёт ҳақидаги тушунчалар дастлаб 1990 йилларда Японияда юз берган инқироздан кейин пайдо бўлган [1], ҳозирги кунга келиб дунё иқтисодиётини шиддат билан эгалламоқда. Бу жараёнда тижорат банкларнинг ликвидлигини тартибга солишга етарли эътибор берилмаслиги оқибатида қатор муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлади. Хусусан, АҚШнинг йирик тижорат банклари капитали ва молиявий барқарорлиги бўйича халқаро Базель қўмитасининг талабларини тўлиқ бажарган бўлса-да, ликвидлик муаммоси боис 2008 йилда молиявий инқирозга юз тутди, чунки рақамли иқтисодиётда банк акциядорлари ва мижозлари уларнинг молиявий ҳисоботларига қараб эмас, балки информацион ахборотларга таяниб қарор қабул қилади. Бунинг натижасида биргина АҚШнинг ўзида 2007 йилда 118 та, 2008 йилда 196 та, 2009 йилда 248 та ёки инқирознинг дастлабки уч йилида 562 та банк банкрот бўлган [2]. Бундан ташқари, кейинги йилларда иқтисоди энг

ривожланган мамлакат ҳисобланган Хитой халқ республикасида тижорат банклари ликвидлик рискинни самарали бошқарилмаслиги туфайли мамлакат ЯИМ 2007 йилда 12 фоиздан 2015 йилда 7 фоизга тушиб кетди, давлатнинг олтин ва халқаро валюталардаги захираси 2014 йил августда 3,9 трлн АҚШ долларидан 2015 йил августда 3,5 трлн АҚШ долларига ёки қарийб 12 фоизга камайди, банкларнинг муаммоли кредитлари 2013 йил 2 чоракда 1,0 фоизни ташкил этган бўлса 2015 йил 2 чоракка келиб 1,5 фоизга етди[3].

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигини бошқариш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда ва тегишли самарага ҳам эришилмоқда. Бироқ, бу борада ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур.”[4] деб алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, тижорат банклари инвестицион портфели мамлакат ЯИМнинг 1,8 фоизига ҳам етмайди, Марказий банк тижорат банклари ликвидлигини ошириш бўйича 2018 йилнинг тўққиз ойи давомида бор йўғи 292,8 млрд сўм ёки мамлакат ЯИМнинг 0,1 фоиз миқдорида қисқа муддатли кредит берган, банкларнинг жалб қилинган маблағлари бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларининг юқорлиги туфайли 2018 йил тўққиз ойи давомида ушбу захира суумаси 191,5 млрд сўмдан 2522,3 млрд сўмга ёки шу даврда 13 бароборга ортган, миллий иқтисодиётнинг пул билан таъминланган даражаси (монтизация коэффиценти) 29,8 фоизни ташкил этади [11]. Буларнинг барчаси мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлигига бевосита ва билвосита таъсир этадиган омиллар ҳисобланиб, уни амалий ва назарий жиҳатдан самарли бошқариш нақадр долзарб ва зарур эканлигини белгилайди.

### **МАНВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Рақамли иқтисодиёт реал иқтисодиёт муҳитини жиддий ўзгартирмоқда, бундан молия-кредит тизими ҳам мустасно эмас[5]. Албатта, мамлакатимиз тижорат банклари анъанавий хизматлар қаторида интернет банкинг, банкومات, пластик карточкалар ва мобил иловалар (click, pay me ва бошқалар) орқали тўловларни амалга ошириш каби қатор рақамли банк хизматларини кўрсатишмоқда. Айнан шу жараёнда уларнинг ликвидлигини тартибга солишнинг замонавий йўллари кўллаш зарурияти вужудга келади. Чунки, тижорат банклари мижозлари рақамли хизматларни куннинг 24 соат давомида хизмат кўрсатиш уларнинг ликвидлиги, биринчидан ушбу хизматларни амалга ошириш имкониятини бериши зарур, иккинчидан, банклар ликвидлиги бўйича кутмаган ҳолатда вужудга келиши мумкин муаммоли ҳолатларга тайёр туриши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётда банк ликвидлигини тартибга солиш тижорат банклари фаолияти мисолида тадқиқот ишлари амалга оширилмаган бўлиб, кейинги пайтларда бу жараённинг долзарблиги ортиб бормоқда. Демак, рақамли иқтисодиётда банк ликвидлигини тартибга солиш

маҳаллий ва, ҳатто, хорижий иқтисодчи олимлар томондан тадқиқ қилинмаган. Чунки, маҳаллий иқтисодиётда рақамли хизматларни жорий этилиши ва ривожланиши нисбатан янги жараён бўлганлиги боис, мазкур масала, рақамли иқтисодиётда банк ликвидлилигини тартибга солиш тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Хориж амалиётига келадиган бўлсак, уларда молия бозорларининг самарали ишлаши банкларнинг ликвидлилигини тартибга солишда деярли муаммо туғдирмайди, бироқ вақти-вақти билан ликвидлик рискинни бошқариш бўйича тадқиқотлар амалга оширилади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари ликвидлилиги ва уни рақамли иқтисодиётда тартибга солишнинг айрим назарий масалаларини атрофлича кўриб чиқишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Дарҳақиқат, тижорат банклари ликвидлилиги хусусида гап кетганда, аввало, “ликвидлик”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш, унинг банклар фаолияти ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган аҳамиятига баҳо бериш зарур.

Тижорат банклари амалиётида ликвидлик банк фаолиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиладиган иқтисодий жараён ҳисобланади. Шу боис, тижорат банклари ликвидлилиги ва уни тартибга солишнинг айрим назарий жиҳатлари маҳаллий ва хорижий иқтисодчилар асарларида кузатиш мумкин. Хусусан, Е.Жарковская: “ликвидлик – бу банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал харажатлар эвазига мажбуриятини бажаришдир”[6], –деб талқин этади. Профессор О.Лаврушин таҳрири асосида нашр этирилган дарсликда: “Банк ликвидлилиги – унинг ўз вақтида ва кам харажатлар эвазига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини бажаришидир”[7] деб таъриф берилган. Худди шунингдек, россиялик профессор А.Тавасиевнинг дарслигида: “Банк ликвидлилиги – таҳлил даврида банкнинг мижозлар ва турли контрагентлар олдида ўз мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигида намоён бўлади”[8], –деб баён этилган.

В.И. Колесников ва Л.П.Кролевицкаяларнинг фикрича, “ликвидлик – бу тижорат банки имкониятларини контрагентлар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, бу эса банк капиталининг етарлилиги, тегишли муддатларни ҳисобга олган ҳолда банк балансининг актив ва пассив моддалари бўйича маблағ ҳажми ва унинг жойлаштирилиши демакдир”[9], –деган тарзидаги фикр илгари сурилади.

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар ликвидлик тушунчасига таъриф берганда асосий эътиборни мажбуриятларни бажаришга қаратади ва бу уларнинг таърифида у ёки бу шаклда ифода этилган. Эътиборлиси, берилган таърифлар шаклан бир-биридан фарқ қилсада, бироқ мазмуний жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилмайди.

Банк ликвидлилиги тўлов қобилиятининг ажралмас қисми бўлиб, тўловга лаёқати бўлмаган банк ликвидли бўлолмайди. Бироқ, ликвидли банклар доимо ҳам тўловга қобилиятли бўлмаслиги мумкин. Чунки, банкларнинг активлари таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, банк активлари ликвидлилиги турли

даражаларга гуруҳланади. Шу жиҳатдан банкларнинг активлари юқори ликвидли, ўртача ликвидли ва ликвидсиз активлардан ташкил топади.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Банкларнинг активлари таркибида юқори ликвидли активлар ҳажмининг юқорилиги уларнинг тўлов қобилиятини таъминлашга хизмат қилади, бироқ, бу уларнинг даромад олиш имкониятини пасайтиради. Чунки, тижорат банклари даромадларининг асосий қисми рискли активлар ҳисобидан шакллантирилади. Банкнинг рискли активлари (асосан кредитлар, инвестициялар ва лизинг операциялари) қанчалик юқори бўлса, уларнинг даромади ортиб боради, бироқ рискли активлар ҳажмининг ортиши уларнинг юқори ликвидли активларининг ҳажмини қисқаришига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, банкларнинг барқарор даромадини ошириш ва ликвидлилигини таъминлаш бир-бирига ўзаро қарама қарши кўрсаткичлар ҳисобланади. Тижорат банклари ҳар иккала ҳолатда ҳам ижобий натижага эришиш лозим, акс ҳолда фойданинг даражаси пасаяди, мажбуриятни бажармаслиги эса омонатчи ва мижозларнинг банкка бўлган ишончини пасайишига сабаб бўлади. Бу жараён рақамли иқтисодиётда янаям долзарблашади, қуйидаги жадвалда бунинг амалиётдаги ҳолатини кўриб чиқамиз.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркиби ва динамикаси[11]

Баланс моддалари	01.01.2017 й.		01.10.2018 й.	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%
Нақд пуллар ва бошқа пул-тўлов ҳужжатлари	1 335,9	1,6	4 709,9	2,3
Марказий банкдан олинадиган маблағлар	11 957,8	14,2	12 298,7	6,1
Резидент банклардан олинадиган маблағлар	4 280,5	5,1	7 194,5	3,6
Норезидент банклардан олинадиган маблағлар	6 587,5	7,8	16 575,0	8,2
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	2 620,9	3,1	3 644,9	1,8
Кредит қуйилмалар, соф	52 045,1	61,9	148 719,7	73,5
Асосий воситалар, соф	1 794,4	2,1	2 954,9	1,5
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	593,1	0,7	2 489,0	1,2
Банкнинг бошқа мулклари	386,0	0,5	302,7	0,1
Бошқа активлар	2 473,7	2,9	3 420,0	1,7
<b>Жами активлар</b>	<b>84 074,9</b>	<b>100</b>	<b>202 309,3</b>	<b>100</b>

1-жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибида кредит қуйилмалари суммаси ва улуши бўйича ортиб бормоқда. Бу албатта ижобий ҳолат, чунки бунинг натижасида уларнинг фойдаси ортади, бироқ бу ўз навбатида ликвидлик даражсининг пасайишига бевосита таъсир кўрсатади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солишга бевосита ва билвосита ижобий таъсир кўрсатадиган молиявий модда уларнинг инвестициялари ҳисобланади. Банкларнинг ликвидлилигини тартибга солишда ҳукумат, Марказий банк ва йирик компаниялар қимматли қоғозларига жойлаштирилган инвестицион маблағлари қулай молиявий восита ҳисобланади. Бироқ, 1-жадвал маълумотларидан

кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибида инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозларга жойлаштирган маблағлари 01.10.2018 йилда 01.01.2017 йилга нисбатан абсолют суммада 1024,0 млрд сўмга ошган бўлса-да, лекин унинг активлар таркибида улуши шу санада 1,3 пунктга пасайган.

Маълумки, Марказий банк меъёрий ҳужжатларига асосан тижорат банкларининг Марказий банк ва бошқа банклардан олинadиган маблағлар юқори ликвидли активлар ҳисобланади [10]. Жадвалда келтирилган шу моддаларнинг ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, Марказий банк ва резидент банклардан олинadиган юқори ликвидли маблағлар ҳажми 01.10.2018 йилда 01.01.2017 йилга нисбатан абсолют суммада ошиши тенденциясига эга бўлса-да, лекин жами активлар таркибидаги улуши, мос равишда, 8,1 ва 1,5 пунктга пасайган.

Бундан кўринадики, бизнинг фикримизча, тижорат банклари ликвидликни бошқаришда асосий эътиборни ликвидли қимматли қоғозларга маблағларни инвестиция қилиш ва юқори ликвидли активлар улушини кескин пасаймаслигига эътибор қаратиш лозим.

Банклар ликвидлигини тартибга солишга банкларнинг мажбуриятлари муҳим ўрин эгаллайди, қуйидаги жадвалда тижорат банклари мажбуриятлари ҳақидаги маълумот келтирилган.


## 2-жадвал

### Ўзбекистон тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ва динамикаси[11]

Баланс моддалари	01.01.2017 й.		01.10.2018 й.	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%
Депозитлар	37 183,2	49,5	67 349,8	38,0
Марказий банкка тўланадиган маблағлар	263,4	0,4	399,2	0,2
Резидент банкларга тўланадиган маблағлар	3 979,4	5,3	7 238,7	4,1
Норезидент банкларга тўланадиган маблағлар	15,2	0,0	407,9	0,2
Тўланадиган кредит ва лизинг	26 785,6	35,7	96 604,0	54,5
Муомалага чиқариладиган қимматли қоғозлар	216,3	0,3	78,1	0,0
Тўланадиган ҳисобланган фоизлар	374,7	0,5	1 762,3	1,0
Бошқа мажбуриятлар	6 275,9	8,4	3 415,4	1,9
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>75 093,7</b>	<b>100</b>	<b>177 255,4</b>	<b>100</b>

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари асосий мажбуриятлари тўланадиган кредитлар ва лизинг ҳисобига тўғри келган. Ушбу модданинг улуши 01.10.2018 йилга 54,5 фоизни ташкил этиб, 01.01.2017 йилга нисбатан 18,8 пунктга ошган. Эътиборли жиҳати шундаки, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари асосан депозитлар ҳисобидан шаклланиши мақсадга мувофиқ, бироқ мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитларнинг умумий улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкларнинг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг салмоғи 01.10.2018 йилда 01.01.2017 йилга нисбатан 11,5 пунктга пасайган.


Таъкидлаш жоизки, олинган кредитлар ва лизинг маблағлари депозитларга нисбатан қиммат маблағ ҳисобланиб, тижорат банкининг мажбурияти улар бўйича депозитларга нисбатан юқорироқ ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз тижорат банклари депозит маблағларининг асосий улуши муддатсиз депозитлар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг қолдиғи бўйича тижорат банклари деярли фоиз тўловларини амалга оширмайди. Қуйидаги расмда тижорат банклари депозит маблағларининг муддатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.



**1-расм. Ўзбекистон тижорат банкларига 2017 йил 12 ойи ва 2018 йил 9 ойи давомида жалб қилинган депозитларнинг муддатлар бўйича динамикаси[11]**

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 2017 йил 12 ойи ва 2018 йил 10 ойи давомида жалб қилинган маблағларнинг асосий улуши, мос равишда 92,2 ва 91,3 фоизи муддатсиз депозитлар ҳиссасига тўғри келган.

Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишга уларнинг мажбуриятлари таркибида молиявий барқарор ва беқарор маблағлар ҳажми бевосита таъсир кўрсатади. Бироқ, 1-расм маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар улушнинг бу даражада юқорилиги уларнинг ликвидлиги билан боғлиқ риск даражасини оширади.



**2-расм. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони[12]**

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йил бошига 7959107 тани ташкил қилган. SMS-банкнинг ва мобил банкнинг тизимидан фойдаланувчилар сони “Банк-мижоз” дастури, интернет-банкнинг фойдаланувчилар сонидан кескин ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Бу асосан жисмоний шахсларнинг UZCARD online банк пластик карталарининг фойдаланувчилари исталган банк ёки инфокиоскда UZCARD SMS-ахборот бериш хизматини мобил телефонга улашлари мумкинлиги билан изоҳланади. Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, мижозлар томонидан рақамли банк хизматларига бўлган талаб кундан кунга ушиб бормоқда ва ҳозирги замон талаби эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш юзасидан амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

- рақамли иқтисодиёда тижорат банклари ликвидлигини тартиб солишнинг замонавий усуллари кенгроқ қўллаш талаб этилади. Хусусан, электрон пуллар ва электрон ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш, халқаро ва маҳаллий даражада юқори ликвидли қимматли қоғозлар ва хорижий валюталарнинг электрон олди-сотли операцияларини жорий этиш кабилар шулар жумласидандир;

- тижорат банклари инвестицион операцияларини ривожлантириш орқали активлар таркибида юқори ликвидли қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш, айти пайтда тижорат банклари ушбу молия воситаси орқали ликвидликни тартибга солиш имконияти мавжуд эмас;

- тижорат банклари вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар талаб қилиб олингунча сақланадиган жами депозитларнинг йигирма фоизини ҳам ташкил этмаслиги уларнинг ликвидлигини тартибга солишдаги асосий муаммолардан ҳисобланади;

- тижорат банклари мажбуриятлари таркибидаги муддатсиз депозитлар улуши жуда юқори бўлиб, банк ликвидлигини тартибга солишга жуда кучли хавф туғдиради. Бунинг олдини олиш учун биринчи навбатда муддатли ва жамғарма депозитлар ҳамда вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳажмини ошириш лозим.

Хулоса тарзида рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ликвидлигини тартибга солиш бўйича долзарб масалаларни ечимига жиддий эътибор қаратиш орқали уларнинг кредитлаш имкониятини ошириш ҳамда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир, бунинг учун албатта тижорат банкларида бозорнинг молиявий воситалари ва инновацион хизматларини янада кенг яратиш омил бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Tapscott, Don (1997). The digital economy : promise and peril in the age of networked intelligence. New York: McGraw-Hill. ISBN 0-07-063342-8. [https://en.wikipedia.org/wiki/Digital\\_economy](https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_economy)

2. Source: <https://www.fdic.gov/bank/statistical/> (FDIC: Industry Analysis - Bank Data & Statistics)

3. Liquidity Risk Challenges faced by Chinese Banks (<http://en.finance.sia-partners.com/liquidity-risk-challenges-faced-chinese-banks>)

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп кўлланма [Матн]. – Т.: «Маънавият», 2019. – 312 бет.

5. Santiago Carbo769;-Valverde. The Impact on Digitalization on Banking and Financial Stability (doi: 10.12831/87063)

6. Банковские дело. Учебник. Жарковская Е.П. -М.: 2010, 479 с.

7. Банковское дело. Учебник. Под редакции О.И.Лаврушин, -М.:, 2016. 800 с.

8. Банковское дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакции А.Тавасиева. –М.:, 2001. 458 с..

9. Банковское дело. Учебник. Под редакции В.И.Колесникова и Л.П.Кролевецкой. –М.: “Финанс и статистика”, 2002, 454 с.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблари тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхатга олинган) <http://uza.uz/>

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 9 ойлик статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари.



12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари. <http://www.cbu.uz>